



## QASHQADARYO VILOYATI MIRISHKOR TUMANI HOKIMINING QARORI

181000 O'zbekiston Respublikasi Qashqadaryo viloyati Mirishkor tumani Yangi Mirishkor shaharchasi, tel: 652-18-58, 652-10-34, faks: 652-14-65, 652-19-48

2021 йил «31» май

192-4-63-Q/21

Миришкор туман ҳокимияти

### **Қашқадарё вилояти ҳокимининг 2021 йил 28 майдаги “Вилоятда ўсимликларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ва соҳага бозор механизмларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 221-4-0-Q/21-сонли қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2021 йил 25 май куни “Агрокимёвий хизматларни такомиллаштириш масалалари тўғрисида” ўтказилган видеоселектор йиғилиши топшириқлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 майдаги 03/1-314-сонли чора-тадбирлар дастури ижроси юзасидан вилоят ҳокимининг 2021 йил 28 майдаги 221-4-0-Q/21-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 6-моддасига асосан,

### **Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н:**

1. Қашқадарё вилояти ҳокимининг 2021 йил 28 майдаги “Вилоятда ўсимликларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ва соҳага бозор механизмларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 221-4-0-Q/21-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. "Агрокимёҳимоя" ҳудудий акциядорлик жамияти Миришкор туман филиалини тугатиш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича туман ишчи гуруҳи таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар туман ишчи гуруҳининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ўн кун муддатда, “Агрокимёҳимоя” ҲАЖ Миришкор туман филиалидаги барча активлари, кўчмас мулк объектлари, автотранспорт воситалари ва бошқа моддий товар бойликларини белгиланган тартибда инвентаризациядан ўтказиш;

“Агрокимёҳимоя” ҲАЖ Миришкор туман филиали балансидаги техника ва мулкларни талон-тарож бўлмаслигининг олдини олиш, зарур ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан назорат ўрнатиш;

“Агробанк” туман бўлими, туман ДСИ билан биргаликда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарзлар ва ссудалар миқдорини аниқлаш ва уларни ёпиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

хатлов яқунларига кўра, ҳар бир бино-иншоот, техника воситалари, жиҳоз ва инвентарлар бўйича далолатнома расмийлаштирган ҳолда фотоальбомлар тайёрлаб, вилоят ишчи гуруҳи (О.Боймиров)га топшириш, умумлаштириш;

ўсимликларни ҳимоя қилиш, чигирткага қарши кураш ва карантин соҳаларини такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасига таклиф ишлаб чиқиш;

уч кун муддатда, “Агрокимёҳимоя” ҲАЖ Миришкор туман филиали раҳбари, бош ҳисобчи ва моддий жавобгар шахслари иштирокида семинар ўтказиш орқали уларнинг вазифаларини тушунтириш;

тугатиш жараёнларининг бориши тўғрисида кунлик мониторинг юритиб бориш топширилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, қарор лойиҳасига таклифларни ишлаб чиқишда қуйидаги масалалар ечимига устуворлик берилади:

“Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва карантин агентлиги” (кейинги ўринларда агентлик) ташкил этилиши муносабати билан чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш марказининг тут парвонасига қарши кураш йўналишини Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тизимига ўтказиш;

минерал ўғит ва кимёвий воситалар билан таъминлашни эркин бозор тамойиллари асосида тўлиқ хусусий секторга бериш;

туманда хусусий ва кластер корхоналари томонидан биолоборатория ва “Ўсимликлар клиникаси” ларини ташкил қилиш, уларга малакали мутахассисларни (агроном ва энтомолог) жалб қилишнинг аниқ параметрларини ишлаб чиқиш;

туманда ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича “далагача тушадиган хизматлар тизими”ни йўлга қўйиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда Миришкор туманини ўсимликлар касаллик ва зараркунандаларига қарши курашишда инновацион туман сифатида танлаб олинганлиги инобатга олинсин.

6. Миришкор тумани ҳокимига ўсимликларнинг касаллик ва зараркунандаларига қарши курашиш марказини ташкил этиш ҳамда марказда бугунги кунда кенг тарқалган “беда қандаласи”, “вилт” ва “помидор куяси” каби касалликларига қарши курашадиган яхлит тизим яратилиши юзасидан келишув меморандумини имзолаш вазифаси юклатилганлиги инобатга олинсин.

7. Туман ҳокимлиги ҳамда сектор раҳбарларига:

жорий йилнинг 1 июнига қадар ҳудуддаги ҳашоратларга қарши самарали курашишни ташкил этиш мақсадида “давлат”, “давлат хусусий шерикчи” ва “хусусий” мулкчилик шаклидаги ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот муассасаларини ташкил қилиш бўйича таклиф бериш;

ҳудуддаги мавжуд “Ўсимликлар клиникалари” фаолиятини таҳлил қилган ҳолда уларни қўллаб-қувватлаш ва янгиларини ташкил қилиш;

соҳада илмий салоҳият ва тажрибага эга бўлган маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилиш бўйича аниқ таклифлар киритиш;

янги ташкил этиладиган “Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва карантин агентлиги” туман бўлимини бино билан таъминлаш ва моддий техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида аниқ молиявий манбаи ва ижрочилар кўрсатилган таклифлар киритиш.

Шунингдек, туман ишчи гуруҳи (Ж.Абдиназаров) билан биргаликда селектор йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан соҳани қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилиниши таклиф қилинган имтиёз ва преференциялар, жумладан:

ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар томонидан харид қилинадиган лаборатория жиҳозлари ва ускуналар бўйича кредит фойзининг қайта молиялаш ставкасидан ошган қисмини бюджет ҳисобидан қоплаб бериш;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан гаров суммасининг 50 фоизгача бўлган қисмига кафиллик бериш;

тадбиркорлар томонидан тупроқ таркиби, ўсимликларни лаборатория таҳлиллари бўйича фермер ва деҳқонларга кўрсатилаётган хизматларнинг 30 фоизини бюджет ҳисобидан қоплаб бериш;

биологик ва кимёвий хизмат кўрсатадиган тадбиркорларга амалдаги солиқ ставкаларини 50 фоизга камайтириш;

аҳоли томорқа хўжаликлари учун минерал ўғит етказиб бериш тизимини яратиш бўйича таклиф ишлаб чиқиш;

соҳа мутахассисларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, илмий салоҳиятни ошириш ва замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан таъминлаш бўйича масалаларни чуқур ўрганган ҳолда ўз таклифларини бериш ҳамда мазкур масалаларни хусусий тадбиркорлик субъектлари, ташаббускорлар ва кенг жамоатчиликка етказиш топширилсин.

8. Вилоят туманларида ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича илмий тадқиқот муассасаларни ташкил этишни қўллаб-қувватлаш бўйича ишчи гуруҳи таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

9. Қуйидагилар ишчи гуруҳининг асосий вазифалари этиб белгиланганлиги эътиборга олинсин:

Ўсимликларни ҳимоя қилиш хизматини ривожлантириш йўналишидаги илмий тадқиқот муассасаларини ташкил этишда қўмаклашиш;

соҳага чет эллик мутахассисларни ҳамда маҳаллий кадрларни жалб қилиш ва уларни рағбатлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

лаборатория, биолаборатория, “Ўсимликлар клиникалари”ни ташкил этиш, ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга ҳар томонлама қўмаклашиш.

10. Мазкур қарорни туман ҳокимлигининг “Mirishkorpess.uz” расмий веб-сайтга жойлаштирилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари Ж.Абдиназаров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Ш.Ч.Санаев